

+

## **ISO/TS 16949:2009 СТАНДАРТИНИ ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Тешабоев А.Э - Андижон машинасозлик институти ректори, т.ф.н.,  
доц., Парпиев О.А.-т.ф.н., Мирзалимов У.А., Бойкишиева Д.

Ҳозирги кунда автомобилсозлик саноати машинасозликнинг етакчи соҳаларидан бири ҳисобланади. Автомобиль ишлаб чиқарувчилар халқаро ташкилоти (OICA) нинг 2002-2012 йиллар даври учун берган маълумотларига кўра, енгил автомобилларни ишлаб чиқаришнинг йиллик ўсиши 1-3 млн. дона атрофида бўлмоқда. Фақатгина 2008-2009 йиллар мобайнида, жаҳон молиявий таназзулининг таъсирида, ишлаб чиқаришни пасайиши кузатилган. Бизнинг олдимизга қўйган мақсадимиз ISO/TS 16949:2009 стандарти талабларига асосланган сифат менежменти тизимини тадбиқ этилишининг таҳлилини амалга оширишдан иборат. Тадқиқот усули – аналитик тадқиқот.

Жаҳон автомобиль саноати олдида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва унинг ички ҳамда ташқи бозордаги рақобатбардошлилиги масаласи кўндаланг турибди. Шунингдек, компания унумдорлиги ва товарлар сифатини жаҳон бозорининг ўсиб бораётган талабларига мос мунтазам ошириб бориш анъаналарига риоя қилиш жабҳалари ҳам алоҳида аҳамиятга молик масала ҳисобланади. Мазкур мақсадларга эришиш ва мижозларни йўқотиб қўймаслик учун материаллар ва бутловчи қисмларни етказиб берувчилар, автомобилсозлик компанияларининг талабларига кўра, борган сари кўпроқ ISO/TS 16949:2009 техник ҳужжатлар талабларини тадбиқ этишга ҳаракат қилмоқдалар.

ISO/TS 16949:2009 – “Сифат менежмент тизимлари. Автомобиль ва унга бутловчи қисмларни ишлаб чиқарувчи ташкилотларда ISO 9001:2008 ни қўллашга бўлган махсус талаблар стандарти” бу ISO 9000

стандарти асосида автомобилсозлик саноати учун ишлаб чиқарилган тармоқ стандарти ҳисобланади. Стандарт Автомобиль саноати Халқаро мақсадли гуруҳи (International Automobile Task Force-IATF) ҳамда Япониянинг автомобиль ишлаб чиқарувчилари (Japan Automobile Manufacturers Association – JAMA) ассоциацияси томонидан ISO/TS 176 “Сифат менежменти ва сифат таъминоти” халқаро стандартлаштириш ташкилоти техник қўмитасининг қўллаб – қувватлаши асосида ишлаб чиқилган. Юқорида таъкидланган техник шартларнинг ўзига хос фарқи уларнинг амалий йўналтирилганлиги ҳисобланиб, у автомобиль ишлаб чиқарувчиларни ўзларининг материаллар ҳамда бутловчи қисмлар етказиб берувчиларининг сифат менежмент тизимига қўядиган талабларига асосланган. ISO/TS 16949:2009 га мувофиқлик муайян бир афзалликларни келтириб чиқаради.

Чиқиндилар миқдорининг камайиши ва дефектлар сонининг минималлаши. Ушбу спецификация жараёни ёндошув тамойилига асосланган. Унинг қўлланилиши натижасида компания ишлаб чиқариш жараёнларининг самарадорлигини ошириш имкониятига эга бўлади. Бу эса ўз навбатида, яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ресурс ҳамда вақтнинг самарасиз сарфини камайишига олиб келади. Натижада харидорлар томонидан харид қилинган маҳсулотнинг қайтарилиш эҳтимолини камайтиради. Ишлаб чиқаришни, ҳақиқатдан ҳам, спецификация талабларига мослаштирилиши ишлаб чиқариш жараёнини юқори даражада оптималлаштиради ва ишлаб чиқарувчининг манфаатларига хизмат қилади.

Савдо операцияларига лицензиялар. Автомобилсозлик компанияларининг асосий қисми учун сертификатлаш савдо муносабатларининг зарурий шarti ҳисобланади. Бу тизим бутун дунёда тан олинган бўлиб, компаниянинг жаҳон бозорида бизнес фаолият кўрсатишини енгиллаштиради ҳамда ишончли ҳамкор сифатида танилишини таъминлайди.

ISO/TS 16949:2009 ни қўллашнинг соддалиги ва мослашувчанлиги ISO 9001:2008 га кўп жиҳатдан ўхшаб кетади. Шунинг учун менежментнинг бошқа тизимлари (масалан, OHSAS 18001 ва ISO 14001) билан мувофиқлашиши осон бўлиб беради ҳамда ундан фарқли бизнесни ривожлантириш услубиятларини (PPAP, “олти сигма” усули, FMEA ва хакозолар) тўлдиради, натижада ISO/TS 16949:2009 га ўтиш камроқ молиявий ва вақт сарфларини талаб қилади. Бу эса бизнесни янада ривожланиши учун юқори даражадаги истиқболларни таъминлаб беради.

Савдо маркасининг яхши обрўсини ушлаб туриш. Доимий ва потенциал ҳамкор ҳамда мижозлар маҳсулотининг юқори сифатлилиги ва ишлаб чиқарувчи компаниялар барқарорлигидан манфаатдор ҳисобланадилар. Бундан ташқари сертификатлаш ташкилотга инвестициялар оқиб келишини қўллаб-қувватлайди.

Ўринма-ўрин фаолият кўрсатиш заруриятининг йўқлиги туфайли сарфларнинг қисқариши. ISO/TS 16949:2009 мослик сертификати худди шундай (EAQF, AVSE, QS – 9000 ва бошқа) ҳужжатларнинг олиниши ва иккинчи ҳамда учинчи томон иштирокида қўшимча аудит ўтказилишидан озод қилади. ISO/TS 16949:2009 стандартига мослик корхона маҳсулоти сифатининг юқорилиги ҳамда унинг етказиб берувчиларнинг ишончлилигидан далолат беради. Ҳозирги вақтда автомобиль саноати соҳасида ўз фаолиятини амалга оширувчи корхоналарнинг кўпчилиги ISO/TS 16949:2009 сертификатига эга ёки ушбу стандарт талабларига асосланган сифат менежмент тизимини ишлаб чиқиш ҳамда уни тадбиқ этиш бўйича муайян тадбирларни амалга оширмақдалар.

Автомобилсозлик соҳасида бундай сертификатлашни амалга ошириш автомобиль секторининг материаллар ҳамда бутловчи қисмлар етказиб берувчилар учун, нафақат, тижорат нуқтаи-назаридан аҳамият касб этади, балким, харидорлар орасида уларга бўлган ишончнинг ортишига сабаб бўлади. Берилаётган сертификатларнинг сони, дунё

миқёсида, йил сайин ортиб бормоқда. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Халқаро сертификатлаш ташкилоти (ISO) нинг расмий статистик маълумотларига назар ташлаш кифоя. Статистик маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал.

**ISO маълумотлари бўйича дунёда ISO/TS бўйича сертификатлаш**

<b>Ой, йил</b>	<b>Берилган сертификатлар сони</b>	<b>Йиллик ўсиш</b>	<b>Сертификат олган компаниялар жойлашган мамлакатлар сони</b>
Декабрь, 2011	47512	3566	86
Декабрь, 2010	43946	2706	84
Декабрь, 2009	41240	1920	83
Декабрь, 2008	39320	4122	81
Декабрь, 2007	35198	7199	81
Декабрь, 2006	27999	10952	78
Декабрь, 2005	17047	7028	80
Декабрь, 2004	10019		62

Стандартнинг тадбиқ этилиши ҳақидаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, 2011 йил якунига келиб, дунёнинг 86 мамлакатада,

ISO/TS 16949:2009 га мувофиқ сертификатланган компаниялар миқдорининг барқарор ўсиши кузатилган. Стандартларнинг минтақавий улушини баҳолайдиган бўлсак, бу ерда Хитой, Корея республикаси, Таиланд ва Хиндистон каби Шарқий Осиё ва Тинч океани мамлакатлари етакчилик қилаётганига гувоҳ бўламиз. Олинган сертификатлар сони бўйича иккинчи ўринда Европа минтақаси давлатлари жойлашган. Булар Германия, Италия ва Франция давлатлари ҳисобланади. Учинчи ўрин Шимолий Америка (АҚШ)га тегишли.

2-жадвал.

**2011 йилда олинган сертификатлар бўйича ўсиш кўрсаткичлари  
(дастлабки 10 та ўрин)**

<b>Тартиб рақами</b>	<b>Мамлакат</b>	<b>2011 йилда олинган сертификатлар сони</b>
1	Хитой	2110
2	Хиндистон	397
3	Корея республикаси	248
4	Эрон	125
5	Хитой Тайпейи	95
6	Таиланда	79
7	Мексика	64
8	АҚШ	51
9	Туркия	48
10	Италия	37

3-жадвалда энг кўп миқдордаги сертификат олган компанияларга эга мамлакатлар ҳақида маълумотлар берилган.

3-жадвал.

**ISO/TS 16949:2009 га мувофиқ энг кўп миқдордаги сертификат  
олган компанияларга эга мамлакатлар**

№	Мамлакатлар	31.12.2010 йилга бўлган ҳолат	31.12.2011 йилга бўлган ҳолат	Ўсиш, %
1	Хитой	14200	16310	14,8
2	Корея Республика	4014	4262	6,2
3	АҚШ	3727	3778	1,4
4	Германия	31.78	3210	1
5	Хиндистон	29.79	3376	13,3
6	Япония	1195	1223	2,3
7	Бразилия	1138	1172	3
8	Италия	1118	1155	3,3
9	Таиланд	1046	1125	7,6
10	Франция	1033	1059	1,3

Жадвалдан кўриниб турибдики, автомобиль саноати кенг тараққий этган мамлакатлар етакчилик қилиб келмоқдалар.

**Хулоса:** маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ISO/TS 16949:2009 стандарти талабларига асосланган сифат менежмент тизимини ишлаб чиқиш ва уни тадбиқ этиш, рақобатбардошликни ва олинадиган даромадларни ошириш йўлида, корхона раҳбарияти олдида турган, муҳим масалалардан бири ҳисобланади.